## ВАТАН МАДҲИ

### ЎЗБЕКИСТОН

*Мовий осмони-ла гўзалдир бу ер,*
*Майса, баргларида ўзгача чирой.*
*Тотли мевасидай асалдир бу ер.*
*Сахий далалари «оқ олтин»га бой,*
*Бу ернинг халқи ҳам сахий ва содда,*
*Нуроний чоллари меҳнаткаш, доно.*
*Ёшларин севгиси ўтдир одатда,*
*Ишқли кўзларида бир дунё маъно...*
*Бағри кенг юртидир бу пок эрур дили,*
*Бу ердан жой топган турли хил миллат.*
*Ўз меҳнати билан бахт топиб эли,*
*Дўстлар даврасида яшар ҳамжиҳат,*
*Бундаги дўстликдан ранг олар бўстон,*
*Бу дўстлик метиндай мангу мустаҳкам.*
*Мустақил юрт эрур, хур Ўзбекистон —*
*Кўп юртлар сафида одимлар шаҳдам!*

**Анвар ИМИНОВ.**

### ШУКРОНА

**Ўтганларни эсламоқ ўзбек одатим.**
**Юракдан таъзим улуғ Темурга.**
**У билан машҳурдир менинг миллатим —**
**Юртимга бахт берган, қувонч дилимга.**

**Дунёда ўрнини топди ўзбегим,**
**Йўлларим ёритди, нурли сайқали.**
**Мустақиллик сабаб, қайтди Ватанга.**
**Етмиш йил маън бўлган бобом ҳайкали.**

**Жаҳонгир руҳини гулга ўрайман,**
**Хотира туғини кўтариб баланд.**
**Унга сиғинаман зафар сўрайман,**
**Сиймоси ҳамиша дилимга пайванд.**

**Ҳар бир ўзбегимнинг хонадонида,**
**Бу кун Ибн Тарағай улуғ отадай.**
**Юртимизнинг ҳар битта ўғил-қизидан,**
**Бу улуғ бобомга раҳмат ёғилгай...**

**Анвар ҚУРБОН.**

### ВАФО

*Ҳикоят*

Бу воқеа 1144 йилда Ат-Тур (Миср) ҳокимининг ўғли бўлмиш Буқсун тилидан ёзиб олинган. Мен овга жуда қизиқардим. Отам Ат-Турга ҳоким қилиб тайинланганидан сўнг мен у билан бирга кетдим. Шу ерда тез-тез овга чиқиб турар эдим. Кунларнинг бирида душманлардан бир тўдаси менга ҳужум қилиб, қўлга олишди-да, ертўлага қамаб қўйдилар. Мени бўшатишга 2000 динор белгилашди. Асир тушганлигимни ҳеч ким билмаганлиги сабабли бир йил ётдим. Кунларнинг бирида менинг ёнимда иккинчи маҳбус пайдо бўлди. У бадавий эди. Биз танишиб, ҳол-аҳвол сўрашдик ва бу ерга қандай келиб қолганлигимиз ҳақида бир-биримизга сўзлаб бердик. Унинг учун эллик динор белгиланган эди. Бир куни у менга шундай деди:

— Сени бу ердан мендан бўлак ҳеч ким қутқармайди. Бунинг учун сен мени қутқаришинг керак, — деди.

Мен бу таклифга бепарво қарадим. У сўзини яна бир неча маротаба қайтарди. Мен ўзимча: — Агар мен уни қутқарсам, унинг савобига Олло таоллоҳ зора мени бу ердан озод этса, — деган фикрга келдим. Шундан сўнг унинг фикрини тинглаб, қамоқхона хўжайинига мурожаат қилдим:

— Мен бир йилдан бери ётибман. Ҳеч ким сўраб келмади. Агар сен рози бўлсанг, ёнимда ётган бадавийни озод эт. Мен унинг бадалини ҳам ўз зиммамга оламан. У бориб отамдан ҳар иккаламиз учун белгиланган товонни олиб келади, — дедим.

Бу таклиф унга маъқул тушди ва бадавийни озод қилди. Бадавий хайрлашар экан: — Мени икки ой кут, ҳаммаси яхши бўлади, — деди. Мен ишонч билан икки ой кутдим. Ундан дарак бўлмади. Умидим пучга чиққан кунларнинг бирида у ўзи ковлаган ер ости йўли орқали олдимда бирданига пайдо бўлиб: «Тур тезроқ, худо ҳаққи, беш ойдан буён бу йўлни Харба қишлоғидан сен томонга қазидим», — деди у. Бизлар ер ости йўли орқали озодликка чиқдик ва менинг кишанларимни синдириб, уйимга кузатиб қўйди.

Мен унинг ваъдасига вафодорлигига таҳсинлар ўқидим.

**Тайёрловчи: Шоилёс ШОҲАЙДАР ўғли.**

*Республика қишлоқ спартакиадасининг якуний мусобақаларида*

## ЭЗГУ НИЯТ СОҲИБЛАРИ

Қишлоқ спортчиларининг Гулистонда ўтган биринчи республика спартакиадаси баҳслари сиртдан қараганда бир қадар оддий кўринади. Шиддаткорлик, мароқлилик жиҳатдан ҳам уни спорт турлари бўйича мамлакатимиз биринчиликларига қиёслаб бўлмайди. Лекин бу мусобақаларда дастлабки кўрикни ўтказишдан кўзланган мақсадга эришилганига шубҳа йўқ. Зеро, ушбу спартакиаданинг финал баҳсларида 420 дан ортиқ киши иштирок этганлиги, агар мусобақа дастури саккизта спорт тури билан чекланмаганида қатнашчилар сони янада ортиши аниқ эди.

Биз спартакиаданинг асл қаҳрамонлари, бугунги қишлоқ спортининг қаймоғини ташкил этган кишилар билан суҳбатлашиб, уларнинг қалб сўзларига қулоқ тутишни лозим топдик.

Дастлаб эътиборимизни тош кўтаришда биринчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти полвонлари жалб қилишди. Ака-ука Ботир ва Баҳодир Расуловлар Конимех туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалигида яшайдилар.

— Тош кўтаришга армия хизматида юрган пайти қизиқиб қолганман, — дейди Ботир. — Етти йилдан ошдики, бу машғулотни канда қилаётганим йўқ. Хўжалигимиздаги, райондаги турли байрамлар, тантаналар пайти бўладиган мусобақаларда қатнашиб юрардик. Мана энди бу ерда 24 кг тошни ҳар қўлимда 50 мартадан кўтариб, 90 кило вазнда биринчи ўринни эгалладим. Баҳодир эса 90 килодан ошиқ вазнда иштирок этиб, 24 кг тошни ҳар қўлида 61 марта кўтарди.

Суҳбат асносида Ботир ва Баҳодир Атлантада боксчилар мусобақасида кучини синаб кўрган Улуғбек Иброҳимов билан бирга машғулотларга қатнаганликларини, шунингдек, Навоийдан етти сузувчи олимпиада баҳсларида иштирок этиб, Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилишганини мароқ билан гапиришди. Навоийликлар тош кўтаришда ғалаба қозонишларига 70 кг вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаган Р. Хузин ўз ҳиссасини қўшганлигини ҳам таъкидламоқ жоиз.

— Танага бироз ҳордиқ берай деб, машғулотларни бас қилган эдим, — дейди Ренат. — Кутилмаганда бу ёққа мусобақага жўнашга тўғри келди. Агар танаффус қилмаганимда ўз вазнимда энг юқори поғонага кўтарилиш ҳам мумкин эди.

Таъкидлаш жоизки, вазни атиги 70 кг бўлган кишининг 24 килолик тошни ҳар қўлида 37 мартадан кўтариши ҳам осонмас. Ахир, йигирма тўрт кило юкни бир қўл у ёқда турсин, икки қўллаб ҳам эгнига орта билмайдиган йигитлар ҳам оз эмас-ку.

Ваҳоланки, кундалик спорт машғулотлари чинакам мўъжиза яратиши мумкин. Мезбонлар жамоасидан бўлган Эркин Соибназаров билан суҳбатлашганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

— Бундан уч йил олдин бор-йўғи 45-50 кило тош босадиган ушоққина йигитча эдим, — дейди Эркин. — Соғлом бўлиш, гавдамни тўлатиш учун спорт билан жиддий шуғулланишга аҳд этдим. Ўйлаб-ўйлаб каратэнинг қўл жанги турини танладим. «Шарқ» клубида қирқдан кўпроқ қатнашчига Эсон ака Мирсултонов ҳамон мураббийлик қилмоқдалар. Ҳозир вазним 70 килога етди. Спартакиадада армреслинг-билак кучи мусобақаларида қатнашиб, ўз вазнимда биринчи ўринни эгалладим. Етти рақибимнинг қўлини ҳам қайиришга муваффақ бўлдим.

Биз Эркиндан: «Эндиги ниятлар қандай?» деб сўрадик. У деди:

— Ўзбекларнинг билаги қандай бақувват эканини жаҳонга намойиш этишдек эзгу ниятим бор...

Уч йил ичида ушоққина йигитча кўринишидан миқти гавдали полвон суратига кирган Эркин ўз муддаосига эришишига ишонамиз. Сирдарёликлар армреслинг бўйича спартакиадада ғолиб чиқишларига эса яна бир қатнашчи — «Малик» давлат хўжалигида истиқомат қилувчи А. Акрамов салмоқли ҳисса қўшди.

Адҳам 90 кг вазнда чемпион бўлди.

— Синфдошим Қурбонов Мурод билан биргаликда шуғулланамиз, — дейди у. — Тош кўтариб, асосан армреслингга ихтисослашаяпмиз. Спортга ошно бўлишимга дадам Рўзимурод Акрамов туртки берган, ҳозир ҳам ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти.

Дарвоқе, спартакиада қатнашчилари билан суҳбатлар чоғида шунга ишонч ҳосил қилдикки, хоҳ алоҳида шахс бўлсин, хоҳ хўжалик ёки корхона бўлсин, спорт машғулотларига интилиш бор жойда самара бор. Аксинча, бу машғулотлар ортиқча дахмаза ҳисобланадиган жойларда ҳар хил баҳоналар рўкач қилинмоқда. Янги спорт иншоотлари қуриш у ёқда турсин, боридан ҳам дуруст фойдаланилмаяпти.

Бизнингча, қишлоқ спортчиларининг кейинги спартакиадалари жойларда жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари қандай йўлга қўйилганлигининг яққол кўзгуси вазифасини ўтамоғи жоиз. Бу кўзгуда вилоятлар қандай акс этганини тасаввур қилишингиз учун спорт турларида, қайси вилоятлар совриндор бўлганини келтириб ўтамиз.

Мини футбол: 1. Сирдарё, Қашқадарё, 3. Наманган;

**Миллий кураш** (бухороча усул): 1. Қашқадарё, 2. Қорақалпоғистон, 3. Сурхондарё.

**Миллий кураш** (фарғонача усул): 1. Фарғона, 2. Андижон, 3. Наманган.

Тош кўтариш: 1. Навоий, 2. Самарқанд, 3. Тошкент.

Шахмат: 1. Сирдарё, 2. Тошкент, 3. Қашқадарё.

Шашка: 1. Тошкент, 2. Андижон, 3. Сирдарё.

**Енгил атлетика**: 1. Наманган, 2. Сирдарё, 3. Тошкент.

**Армреслинг**: 1. Сирдарё, 2. Қашқадарё, 3. Самарқанд.

**Арқон тортишиш**: 1. Сирдарё, 2. Фарғона, 3. Наманган.

Совриндорлар сафида Бухоро, Хоразм, Жиззах вилоятлари вакиллари йўқлиги ташвиш уйғотади. Наҳотки, бу вилоятларда спартакиада баҳсларида шоҳсупага кўтарилишга қобил спортчилар бўлмаса? Ҳеч бўлмаса спортнинг битта турида жамоа ҳисобида мукофотли ўрин эгалланмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Ўйлаш керакки, кейинги спартакиада баҳсларигача мутасаддилар бундай салбий ҳолатдан тўғри хулоса чиқариб, тегишли чора-тадбирларни кўришади ва ўшанда мусобақа янада қизғин ўтиб, катта спортнинг ишончли таянчига айланади. Мусобақаларни якунларкан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси, Спартакиада ташкилий қўмитаси раиси Т. Ҳ. Собитов шундай деди:

— Бир пайтлар Гулистон шаҳри ўрни қақроқ чўл бўлган. Ҳозир эса ўз номига монанд обод масканга айланган. Ўйлаб қаралса, спорт соҳасида ҳам очилмаган қўриқларни ўзлаштиришга киришмоқдамиз. Бу борада истиқлол бизга имкониятни кенг очиб берди. Агар ушбу имкониятларни оқилона ишга солсак, Ўзбекистон спортчилари тез орада халқаро майдонда ўзларининг бор бўй-бастини кўрсатишлари аниқ!

Чиндан ҳам, қишлоқ спортчиларининг дастлабки спартакиадаси жойларда истиқбол ғунчалари сероб эканлигини намойиш этди. Эндиги вазифа уларни авайлаб камолга етказиш, янгиларини кашф этиш, умуман жисмоний тарбия ва спорт соҳасини энг гуллаган, энг ривожланган жабҳалардан бирига айлантиришдан иборатдир.

**Ш. АЛЛАМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**





**СУРАТЛАРДА: Тош кўтаришда биринчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти жамоаси аъзолари — ака-ука Ботир ва Баҳодир Расуловлар ҳамда Ренат Хузин; ҳар доимгидек футбол баҳслари қизғин.**

**Н. МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## ИШҚИБОЗЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНДИ

Atlanta 1996

Қайси мусобақа бўлмасин, мезбонлар билан рақобат қилишнинг қийин томонлари бор. Томошабинлар ўз юртдоши, ҳамшаҳарига ишқибозлик қилишади. Шу боис мезбонлар билан баҳсда спортчи ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган тўла устунликка эришиши жоиз. Лекин рақиб ҳам анойилардан бўлмаса-чи?

75 килограмм вазнда чорак финалда боксчимиз Д. Ёрбеков ана шундай қийин муаммога рўбарў келди. АҚШ терма командаси аъзоси Вэлльснинг учрашув бошланиши билан ташаббусни қўлга олиб, биринчи раундда устунликка эришганлиги унинг кучли чарм қўлқоп усталаридан эканлигини яққол кўрсатади. Лекин Осиё чемпиони унвонини бежиз қўлга киритмаган Дилшод ҳам довдирайдиганлар тоифасидан эмас.

Иккинчи ва учинчи раундда у рақибнинг устунлигига барҳам бериб, ҳисобда олдинга ўтди — 8:7. Учрашув тугашига бир лаҳза қолганида ҳам вакилимиз ушбу ҳисобда олдинда эди. Жонжаҳди билан олдинга ташланган Вэлльс яна бир зарба беришга улгурди — 8:8!

Ҳакамлар ҳайъати маслаҳатлашувдан сўнг Дилшоднинг рақибини ғолиб деб топди. Бу қанчалик адолатли ҳукм эканини аниқлаш мутахассислар эътиборига ҳавола. Бир нарса аёнки, Дилшод кучли рақиби билан шердек жанг қилди ва ҳақли равишда минг-минглаб ишқибозлар меҳрини қозонди. Мана шунинг ўзи энг катта мукофотлардан биридир. 67 килограмм вазнда Пуэрториколик Сампосга қарши рингга чиққан Наримон Отаевнинг ҳам омади юришмади. Ҳисоб рақиб фойдасига 28:16. Энди бутун умидимиз Карим Тўлагановдан.

Маррага етишда энг тезкор велосипедчилардан ҳисобланган Жамолиддин Абдужабборов ҳам энди баҳсга киришяпти. Профессионаллар билан мусобақалашиб, анча тажриба орттирган ҳамюртимиз ўзини кўрсатадиган фурсат етиб келди.

Бошқа спорт турларида ҳам вакилларимиз учун ҳали имкониятлар мавжуд. Фақат улардан фойдалана билиш жоиз.

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**

*Бу турфа дунё*

### БИРИ ДЎНГПЕШОНА, БОШҚАСИ БУКРИ

Нега бир хил балиқлар ўқдек адл, иккинчилари дўнгпешона, учинчилари думалоқ бўлади?

Ҳаммаси яшаш шароити, турмуш тарзи билан белгиланар экан. Чунончи, оқими суст чучук сув ҳавзаларида яшайдиган балиқларнинг биқинлари қапишганлиги сабаби — ўт-ўландар оралаб юриш қулай бўлиши учундир. Аксинча, сув тагида юришга ўрганган балиқларнинг қорни ясси бўлади, чунки бу ҳолда ерга таяниш осон.

Айрим балиқлар эса тухум қўйиш пайти шакл-шамойилини сезиларли ўзгартишади. Масалан, букри балиқ денгизда эканлигида бинойидек қоматга эга. Тухум қўйиш учун уммондан дарёга кўчиб ўтгач, букри балиқнинг тумшуғи чўзилиб, қармоқ тусини олади, яғринида дўнгча ҳосил бўлади. Балиқшунос мутахассислар — ихтиологлар бу ҳолатни турмуш тарзи ўзгариши билан изоҳлашади. Лекин асосан денгизу уммонларда яшаб, дарёга тухум қўйишга келадиган бошқа балиқларнинг нега тумшуғи чўзилиб, танасида букрилик ҳосил бўлмайди?

Олимлар ушбу саволга ҳануз тайинли жавоб топишолгани йўқ.

*Хушхабарлар*

### БАХТНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

**● БАХТ — Сирдарё вилоятининг тез ривожланиб бораётган кенжа шаҳарларидан бири. Бу ерда ўндан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда, уларда ҳилма-хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилаётир. Куни кеча эса яхна ичимликлар заводи ишга туширилди. Италия технологияси асосида қисқа вақтда қуриб фойдаланишга топширилган бу корхонада соатига 2500 шиша яхна ичимлик тайёрланади. Шуниси эътиборлики, бу сувлар экологик жиҳатдан мусаффо ва шифобахшдир.**

### ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ АСОСИДА

● **«АСАКАТЕКСТИЛЬ»** ҳиссадорлик жамиятида хориждан келтирилган 36 та янги тўқув дастгоҳи ишга туширилди. Шу туфайли ҳозирдаёқ ҳар ойда 500 минг квадрат метр энли сурп ишлаб чиқарилмоқда. Республика енгил саноат уюшмаси йигирув-тўқув фабрикаларини қайта жиҳозлаш дастурига мувофиқ узоқ муддатли кредит ажратгани айни муддао бўлди. Эндиликда корхонани тўла қайта жиҳозлаш имконияти яратилди.

### МЎЙНОҚ МЎЙНАСИ

● ОРОЛ **минтақасида экологик вазиятни юмшатиш борасида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар самараси ўлароқ, ички сув ҳавзалари, кўллар сувга тўла бошлади. Бу эса Мўйноқ мўйнаси шуҳратини қайта тиклаш, кундуз ва ондатра боқишни кўпайтириш имконини берди. Шу мақсадда «Бизнес-фонд»дан 2 миллион сўм кредит олинди. Илгари мўйна марказдаги қайта ишлаш корхоналарига сув текинга бериб юборилар эди. Энди улар шу ернинг ўзида қайта ишланади. Тайёр мўйнадан бош кийимлар тикилади.**

### МАДРАСА ЯШАРАЯПТИ

● **ҚАДИМ ХЕВА** шаҳридаги энг гўзал меъморий обидалардан бири — Исломхўжа мадрасасини таъмирлаш якунланмоқда.

Шўро замонида бу бетакрор обида анча путурдан кетган, айрим жойлари эса нурай бошлаган эди. Эндиликда эса у Хева тарихий ёдгорликларини таъмирлаш корхонаси усталарининг куч-ғайрати билан асл ҳолига қайтмоқда. Улар ёдгорликларни мамлакат мустақиллигининг беш йиллик тўйигача тўла таъмирдан чиқариш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МУСИҚАЧИ—ТАРБИЯЛОВЧИЛАР МАКТАБ—ИНТЕРНАТИ

1996-1997 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси вилоят ва туманлар ҳамда Тошкент шаҳридан 5-синфни битирган ўғил болаларни

### ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш жараёнида қуйидаги мусиқа мутахассислиги бўйича билим берилади. Кларнет, флейта, фагот, габой, труба, баритон, валторна, туба, трамбон, карнай-сурнай, ноғора, дойра.

Мактаб-интернатни битирган ўқувчиларга тўла ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома ва мусиқа гувоҳномаси берилади. Вилоятлардан келган ўқувчилар ётоқхона, 4 маҳал иссиқ овқат, кийим бош ва ўқув қуроллари билан бепул таъминланадилар.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан ва турар жойидан маълумотнома, ўқувчини эмлатиш тўғрисида ва соғлиқ ҳақида тиббий кўрик маълумотномаси.

**Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 2 квартал, 28-уй.**

**Автобуслар: 110, 119, 106, 161, Ғалабанинг 40 йиллиги бекати (Тузел) Трамвай: 29, 6. Телефон: 97-96-40.**

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0429, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.